

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.20.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БЎЛИМИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ГУМАНИТАР ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДЌИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

САЙИМБЕТОВ ШАРАФАТДИН УРАКБАЕВИЧ

**XX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ ҚОРАҚАЛПОҚ ПОЭМАЛАРИНИНГ
ПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ
(1955-1980 йй.)**

10.00.12 – Қорақалпоқ адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**
**Contents of dissertation of sciences of the doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Сайимбетов Шарафатдин Уракбаевич XX аср иккинчи ярми қорақалпоқ поэмаларининг поэтик хусусиятлари (1955-1980 йй.).....	3
Сайымбетов Шарафатдин Уракбаевич Поэтические особенности каракалпакских поэм второй половины XX века (1955-1980 гг.).....	27
Saimbetov Sharafatdin Urakbaevich Poetic features of karakalpak poems of the second half of the XX century (1955-1980 yy.)	51
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	55

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.20.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БЎЛИМИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ГУМАНИТАР ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДЌИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

САЙИМБЕТОВ ШАРАФАТДИН УРАКБАЕВИЧ

**XX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ ҚОРАҚАЛПОҚ ПОЭМАЛАРИНИНГ
ПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ
(1955-1980 йй.)**

10.00.12 – Қорақалпоқ адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Зазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.PhD/Fil642 рақам билан рўйхатта олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпогистон бўлимининг Қорақалпок гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтидаги бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.karsu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталаида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бекбергенова Зияда Утеповна
филология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Оразимбетов Куўанышбай Келимбетович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи муассасаси:

Низомий номидаги Тошкент давлат
педагогикауниверситети

Диссертация ҳимояси Бердақ номидаги Қорақалпок давлат университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil.20.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «25 » ноёри
куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-йи. Тел.: (99861) 223-59-25, факс: (99861) 223-59-25, email: karsu_info@edu.uz)

Диссертация билан Қорақалпок давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (13 рақам билан рўйхатта олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-йи.

Диссертация автореферати 2020 йил «9 » ноёри
(2020 йил «9 » ноёри даги 26 рақамли реестр баённомаси)..



Ш.Н.Абдиназимов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенишчи раиси, филол.ф.д., профессор

Г.Е.Карлыбаева
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.


К.К.Жаримбетов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш кошидаги илмий семинар
раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигига поэмаларнинг генезиси, типологияси, поэтикаси, ўзига хос тараққиёт хусусиятлари, бадиий-эстетик тамойиллари ва улардаги умуминсоний тарихий қадриятлар, ижтимоий ҳаётий масалалар билан бирга миллий онг ва тафаккурнинг турфа жиҳатларини, тасвирилаш даражасини илмий тадқиқ қилиш ҳамиша муҳим ва долзарб саналиб келган. Бу, ўз навбатида, адабиётнинг барча тур ва жанрлари қатори поэманинг такомиллашув хусусиятлари, эволюцияси ҳамда поэтик тафаккурдаги эврилишлар билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этиш масаласини кун тартибиға қўйди. Шу тариқа, XX асрнинг иккинчи ярми қорақалпоқ поэмаларининг ривожланиш қонуниятлари, етакчи хусусиятлари, жанр структурасидаги ўзгаришларни илмий асослаш адабиётшунослик илми олдида турган долзарб вазифалардан саналади.

Дунё адабиётшунослигига миллий адабиёт намуналарини янги давр талаблари асосида ўрганишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Шу маънода, поэма жанрининг ривожланиш жараёнлари, поэтик матн тузилиши ва услубий хусусиятлари, тасвирилаш турлари ва уларнинг тараққиёт динамикасини аниқлаш борасида янги хулосалар чиқариш имкони яратилмоқда. Бу жанрдаги асарлар ўзининг бадиий-эстетик вазифаларига боғлиқ озодлик, эркинлик, тенглик, одиллик ва қаҳрамонликни васф этишда, инсон қалбида акс этувчи жозибадорлик, гўззаллик, миллий менталитетни белгиловчи анъанавий қадриятлар, инсонпарварлик, ватанпарварлик туйғуларини орттиришда, хусусан, ёзма адабиётда ўз аксини топади. Айниқса, XX асрнинг иккинчи ярмида яратилган қорақалпоқ поэмалари табиатида ва ички композициясида янгиланиш жараёнлари юз берди. Натижада, поэмаларда лирик, драматик ва романтик тасвиirlар кам-камдан кучайиб, уларнинг жанрий табиати кенгайди ва поэмалар ўзига хос тараққиёт босқичига кўтарилиди. Бу, ўз навбатида, поэмаларнинг поэтикасини, ривожланиш босқичларини ҳамда жанрий ва бадиий хусусиятларини илфор илмий-назарий концепциялар асосида тадқиқ қилиш заруратини келтириб чиқарди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин адабиётнинг жамият тараққиётидаги ўрни, ўтмишдаги адабий меъросларимизни қайта тиклашга, аждодларимизнинг бой маданий-маънавий тарихини чукур ўрганишга бўлган эътибор кучайди. Зеро, «адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавияти, кўзгуси»¹ экан, ҳар қандай бадиий асар, жумладан, поэмалар инсон дунё қарашини юксалтиришда, айниқса, баркамол авлодни тарбиялашда бекиёс аҳамиятга эга. Миллий поэтик тафаккур, бетакрор анъаналар ва бадиийликни ўзида мужассам этган қорақалпоқ поэмаларининг тарихи қадим даврларга бориб тақалади. Бунда фольклор ва мумтоз адабиёт анъаналари, шарқ

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида барпо этилган Адиблар хиёбонининг очилишида сўзлаган нутки. / Халқ сўзи, 2020, 21 май, №106(7608).

достончилиги ва жаҳон поэмачилигининг поэтик тажрибалари, ўтган XX асрнинг 1930-йилларида поэма жанрининг шаклланишида етакчи вазифани бажарди. Қатағон йиллари деб аталган давр ҳар қандай бадиий асарнинг, шунингдек, 1955-1980-йиллардаги поэма жанрининг ҳам ғоявий-тематик йуналишининг, конфликтлар тизимининг ўша давр конъюктураси доирасида бўлишини талаб қилди. Аммо, шунга қарамасдан, XX асрнинг 1955-1980-йилларида социализм ҳукм суриб турган шароитда ҳам ижодкорлар озодлик, эркинлик, тенглик, адолат ва қаҳрамонликни тарғиб қилишга, одамлар кўнглида инсонийлик, гўзаллик ҳиссини ўйғотишга, Ватанга бўлган муҳаббат туйғуларини ортиришга ва халқни улуғ мақсадлар йулида чукур изланиб, фидокорона меҳнат қилишга рухландирувчи бадиий асарлар яратди. Поэмаларда ижтимоий ҳаёт масалаларини шахс тақдири, унинг руҳий дунёси, ички туйғулари асосида бадиий ифодалаш тамойилининг етакчилик қилиши натижасида инсон онги билан чамбарчас боғлиқ психологик жараён чуқурлашти ва лирик элементлар фаоллашди. Шу сабабли, XX асрнинг иккинчи ярмидаги қорақалпоқ поэмаларининг ривожланиш хусусиятлари ва поэтикаси билан боғлиқ масалаларни жаҳон адабиётшунослигининг илғор илмий-назарий концепциялари асосида ўрганиш тадқиқотнинг долзарблигини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги №ПФ-4947-сон «2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси ҳақида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрь, 2018 йил 28 декабрь, 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга мурожаатномалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги №ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 3 майдаги №ПҚ-4307-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 7 июньдаги №ПҚ-4354-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги №ПФ-5812-сон «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 8 октябрдаги №ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2019 йил 21 октябрдаги №ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари талабларидан келиб чиқиб, унда кўрсатилган вазифаларни амалга оширишда бу диссертация муайян даражада хизмат қиласи.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишлариiga боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий,

маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириши» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Поэма жанри ва унинг поэтикаси масалаларини илмий асосда ўрганишда Аристотель, В.Г.Белинский, В.М.Жирмунский, Л.И.Тимофеев, Г.Н.Поспелов, Г.Л.Абрамович, А.Г.Жаков, С.А.Коваленко, В.П.Киканс, М.М.Числов, С.Р.Панеш, Г.А.Червяченко, Л.П.Григорьева, Ш.А.Хасанов, Н.Рахимжонов, Д.Х.Кувватова, К.К.Алписбаев, А.Насруллаев, Қ.Султанов ва бошқа қатор олимларнинг илмий-назарий қарашлари эътиборга сазовор.

Поэма жанрининг шаклланиши ва тараққиёт тенденциялари, эволюцияси, типологик масалалари билан боғлиқ илмий тадқиқотлар XX асрнинг 1950-йилларидан бошлаб рус², ўзбек³, қозоқ⁴ ва бошқа халқларнинг⁵ адабиётшунослигида маҳсус тадқиқот объектига айланди.

Қорақалпоқ адабиётшунослигида поэма жанри бўйича дастлабки илмий-назарий тадқиқотлар атоқли фольклоршунос ва адабиётшунос олимлар Н.Давқараев, И.Сафитов, И.Юсупов, С.Ахметовлар томонидан амалга оширилди. XX асрнинг дастлабки чорагидан 1960-йилларигача қорақалпоқ поэмаларининг жанр хусусиятлари ва тараққиёт тамойиллари адабиётшунос А.Насруллаев ва Қ.Султановлар томонидан маҳсус диссертацион тадқиқот сифатида тадқиқ қилиниб, монография шаклида нашрдан чиқди⁶. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, А.Насруллаевнинг «Замон ва лиро-эпик поэзия» номли тадқиқот ишида қорақалпоқ мумтоз адабиёти вакиллари билан халқ шоирлари ижодиётида лиро-эпик тасвирларнинг жой олиши, шунингдек, поэма жанрига яқин бўлган халқ оғзаки ижодининг таҳлил намуналари, лиро-эпик характерга эга достон, тўлғов, қасида, баллада, шажаралардан ажralиб

²Мешков Ю.А. Жанры современной поэмы (на материале русской советской поэмы 1956-1964 годов): Дисс... канд. филол. наук. – Москва, 1967; Анисимов В.Ш. Русская советская поэма конца 50-х начала 70-х годов. (Принципы художественного обобщения действительности). Дисс... канд. филол. наук. – Москва, 1977; Волкова Т.С. Советская поэма 1965-1975. (К вопросу о типологии жанра): Дисс... канд. филол. наук. – Москва, 1977; Прищепа В.П. Проблемы развития русской советской поэмы в 1960-1965 годы. (некоторые тенденции эволюции жанра): Дис... канд. филол. наук. – Иркутск, 1985; Редкин В.А. Русская поэма 1950-1980 г.г. Жанр. Поэтика. Автореф. дисс... докт. филол. наук. – Москва, 1993; Шорова Ж.К. Идейно-эстетическое своеобразие адыгейских литературных поэм-сказок. Дис... канд. филол. наук. – Москва: 2002;

³Турабекова С. F.Гулом поэмаларининг тили ва стили ҳақида. Дисс...канд. филол. наук.–Тошкент, 1961; Мухитдинов Ў. Ҳозирги замон ўзбек поэмасида конфликт ва характер проблемаси. Дисс...канд. филол. наук.–Тошкент, 1970; Рахимжонов Н. Лирик поэма (1961-1973-йиллар ўзбек поэзияси материаллари асосида). Филол. фан канд. дисс... – Тошкент: 1975; Тулаков И. Поэтические традиции и характер героя в узбекской советской поэме (60-70-е годы). Дисс...канд. филол. наук. – Тошкент, 1981; Рахимжонов Н. Ўзбек совет адабиётида поэма.(Жанрнинг эволюцияси ва типологиясига доир): – Тошкент: Фан, 1986; Хасанов Ш.А. XX аср иккинчи ярми ўзбек достонлари поэтикаси. Докт. дисс. наук. – Самарқанд, 2004; Кувватова Д. XX аср иккинчи ярми ўзбек достончилигининг тараққиёт хусусиятлари. Автореф. дисс... докт. филол. наук. – Тошкент, 2016.

⁴Нарымбетов Ә. Қазіргі қазақ поэмасы. – Алма ата: Жазушы, 1982; Алпысбаев К.К. Проблемы жанров современной казахской поэмы. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Алма ата, 1986.

⁵Ахмедъянов К.А. Вопросы композиции башкирских поэм. Автореф. дисс...канд. филол. наук. – Казань, 1963; Атаканова Х. Современная таджикская поэма. Истоки и эволюция жанра: Дисс...докт. филол. наук.–Душанбе, 1984; Мазепа Н.Р. Развитие современной советской поэмы. – Киев, 1986; Аширов А. Жанровое своеобразие туркменских поэм XVIII века. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ашхабад, 1986.

⁶Насруллаев А. Зарождение и пути развития каракалпакской советской поэмы. (1917-1945). Автореф. канд. дисс. – Тошкент, 1954; Султанов К. Современная каракалпакская поэма (1953-1964). Автореф. канд. дисс. – Тошкент, 1967.

турувчи мұхым белгилари махсус тадқиқ қилинди. Шунингдек, тадқиқотда XX аср қоралпоқ адабиётининг машхур адиләлари Ж.Аймурзаев, М.Дарибаев ва Қ.Авезовларнинг поэмалари ғоя ва мавзу жиҳатидан таҳлил қилинган.

Қ.Султановнинг «Замондош жоним билан...» тадқиқотида 1953-1964-йиллардаги қорақалпоқ поэмачилигиде қаҳрамон образининг яратилиш масаласи, давр поэмаларининг ривожи ва бадиий сүз санъати соҳибларининг шоирлик маҳорати масалалари ҳақида батафсил сүз юритилған.

Қорақалпоқ поэмаларининг жанрий хусусиятлари лирик, лиро-эпик, лиро-драматик, драматик ва романтик күринишлари ҳақидағи илмий-назарий фикрларни биз таниқли адабиётшунослар Г.Есемуратов, Т.Мамбетниязов, Қ.Жаримбетов, К.Алламбергенов, Б.Генжемуратов ва А.Хамидоваларнинг муайян бир даврга хос поэмалар талқини ёки айрим шоирларнинг ижодига бағишиланған тадқиқотларида учратамиз⁷. Албатта, бу олимлар томонидан билдирилған илмий-назарий фикр ва мулоҳазалар ҳозирги қорақалпоқ адабиётшунослигиде поэма жанрини тадқиқ қилишда мұхым манба вазифасини бажаради. Шу билан бирга, А.Пахратдинов ва Қ.Байниязовларнинг А.Мусаев, А.Дабилов, С.Нуримбетов каби халқ шоирларининг ижоди, ҳаётий фаолияти талқин қилинган тадқиқотларида ҳам поэмалар ҳақида қимматли фикрлар билдирилди⁸.

Мустақилликнинг сүнгги йилларида, адабиётшунос П.Дабилов ноёб талант әгалари Т.Матмуратов ва К.Рахманов поэмаларини қорақалпоқ поэзиясида лирик қаҳрамон образининг ясалиш хусусиятлари масаласига боғлиқ тарзда тадқиқ қылса⁹, тадқиқотчи Қ.Мамбетов И.Юсупов поэмаларининг жанрий хусусиятларини махсус, уйғун тарзда монографик нұқтай назардан ўрганишга муваффақ бўлди¹⁰. Гувоҳи бўлганимиздек, юқорида исмлари қайд қилинган олимларнинг илмий тадқиқотлари XX асрнинг дастлабки чораги 1917-1945-йиллар ва 1953-1964-йиллардаги қорақалпоқ поэмаларининг пайдо бўлиши ва шаклланиш босқичларига бағишиланған бўлса, баъзи тадқиқотларда мумтоз адабиёт вакилларининг назмий ижод намуналари жанрий хусусиятларини қашф этиш ва халқ шоирларининг ижодий фаолиятини ёритиш тадқиқот обьектига айланған. 1955-1980-йилларда адабиётнинг бошқа жанрлари сингари поэма жанрининг

⁷Есемуратов Г. Ибраіым Юсуповтың поэзиясы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1976; Мәмбетниязов Т. Поэзия – түрмис, гүрес ҳәм талпыныў. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1993; Шу муаллиф. Жаңа қарақалпақ поэзиясы ҳәм дәүир талабы. – Нөкис: Билим, 1994; Жәримбетов Қ. XIX әсир қарақалпақ лирикасының жанрлық қәсийетлери ҳәм раўажланыў тарийхы. – Нөкис: Билим, 2004; Алламбергенов К. Мәңги булақ (И.Юсуповтың өмири ҳәм дөретиўшилик жолы). – Нөкис: Қарақалпақстан, 2019; Генжемуратов Б. Лирикалық поэма ҳәм оның базыбир жанрлық өзгешеликлири // ӨзРИАКҚБ Хабаршысы. – Нөкис, 2000, №6-7; Хамирова А.Х. И.Юсупов творчествосы ҳәм Европа әдебияты. Канд. дисс. Автореф. – Нөкис, 1999.

⁸Пахратдинов А. Садық шайырдың көркемлик дүньясы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2013; Байниязов Қ. Творчество каракалпакских народных шаиров как синтез традиций устной и письменной литературы. Автореф... докт. филол. наук. – Нөкис, 2000.

⁹Дабылов П.А. Қарақалпақ поэзиясында лирикалық қаҳарман образының жасалыў өзгешеликлири (Т.Мәтмуратов ҳәм К.Рахмановтың поэзиясы мысалында). Филол. фанлари бўйича филсафа докт. (PhD) дисс. – Нөкис, 2017.

¹⁰Мәмбетов Қ. И.Юсупов поэмаларының жанрлық өзгешеликлири. Филол. фанлари бўйича филсафа докт. (PhD) дисс. – Нөкис, 2019.

ҳам ўрганилишига бўлган эҳтиёж тез суръатларда амалга оширилди. Шунга қарамасдан, XX асрнинг иккинчи ярмида яратилган қорақалпоқ поэмаларининг жанрий ва бадиий ҳусусиятлари, тараққиёт тамойиллари ҳамда поэтик масалалари махсус тадқиқ қилинмади. Бу даврга оид поэмалар матбуот саҳифаларида, ҳусусан, даврий нашрларда, илмий мақола ва тезисларда, қорақалпоқ адабиёти ва поэзиясини тадқиқ қилишга бағишиланган илмий тадқиқотлар ва олий ўқув юрти филология факультети талабалари учун нашр қилинган адабиёт дарслекларида умумий шарҳ характерида қайд қилинди, холос¹¹. Давр тақозоси XX асрнинг иккинчи ярмидаги қорақалпоқ поэмаларининг ғоя ва мавзу, жанрий ва бадиий ҳусусиятларини махсус тадқиқ қилишни талаб қиласди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация ЎзРФАҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг ФА-Ф1-ГОО2 «Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини ўрганиш» ва ФА-Ф-1-005 «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қорақалпоқ поэмаларининг поэтикасини, лирик ифода ва эпик, лиро-эпик, романтик, лиро-драматик, драматик тасвирилаш усувларини, поэмаларнинг жанрий ва бадиий ҳусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Поэма жанрига боғлиқ илмий-назарий тушунчаларни таҳлил қилиш ва унинг жанрий ҳусусиятларини аниқлаш;

қорақалпоқ поэмаларининг ривожланишига таъсир қилган бадиий-эстетик омилларни кўрсатиб бериш;

давр поэмаларида тасвирилаш турлари, уларнинг ривожланиш динамикасини аниқлаш ва поэмаларнинг эпик, лирик, лиро-эпик, романтик, лиро-драматик, драматик сифатларини очиб бериш;

қорақалпоқ поэмалари қурилишида троплар ва стилистик фигуранларнинг, шунингдек, поэтик фонетиканинг (аллитерация ва ассонансларнинг) тўтган ўрни ва бадиий-эстетик хизматини аниқлаш.

Тадқиқотнинг обьекти сифатида XX асрнинг иккинчи ярмида (1955-1980-йиллар) яратилган С.Нуримбетовнинг «Ипакчи Жанил» (1960), И.Юсуповнинг «Актрисанинг иқболи» (1956-1958), «Дала армонлари» (1964), К.Рахмановнинг «Чўл достони» (1974-1975), «Ғалвали йиллар»

¹¹Развитие жанра поэмы в каракалпакской советской литературе. – Ташкент: Фан, 1976; Ахметов С. Талантқа талап. – Нөқис, 1986; Шу муаллиф. Қарақалпақ совет поэзияси. – Нөқис, 1988; Насруллаев Э. И.Юсуповтың поэмалары // Совет Қарақалпақстаны газетасы. – Нөқис, 1969, 25-октябрь; Мәмбетниязов Т. Бүгинги поэзиямыз ҳаққында ойлардан... // Әмиўдәръя. – Нөқис, 1979, №4; Ахметов С., Есенов Ж. 1979-жылдың поэзиясы туўралы // Әмиўдәръя. – Нөқис, 1980, №2; Алламбергенов К. Шайырдың эпикалық поэзиясының өзгешелиги // Еркин Қарақалпақстан. – Нөқис, 2009, 11-август; Қарақалпақ совет эдебияты. – Нөқис: Қарақалпақстан, 1979; История каракалпакской советской литературы. – Тошкент: Фан, 1981; Қарақалпақ совет эдебияты. – Нөқис: Қарақалпақстан, 1984; Пахратдинов Э., Алламбергенов К., Бекбергенова М. XX әсир қарақалпақ эдебияты тарийхы. – Нөқис: Қарақалпақстан, 2011.

(1980-1981), Т.Сейтжановнинг «Чекинган сахро» (1960), «Тақдир» (1974), «Отам ҳақида сўз» (1976), «Адашган иқбол» (1977), Т.Матмуратовнинг «Содиқлик» (1970), М.Сейтниязовнинг «Ҳаёжонли ўйлар» (1957-1960), «Йигирма икки» (1965), «Ватан гадоси» (1972-1974), F.Сейтназаровнинг «Сирлашиш» (1971), «Сахро созлари» (1976), «Темир қозик» (1978), Д.Айтмуратовнинг «Уруш оқибати» (1964-1965), Т.Сарсенбаевнинг «Қиз» (1977) биринчи поэма, «Қиз» (1976-1980) иккинчи поэма, Ҳ.Аймбетовнинг «Қиз» (1974), К.Каримовнинг «Мангулик бўсағасида» (1980) поэмалари танлаб олинди.

Тадқиқотнинг предметини давр поэмаларининг поэтиказини, жанрий ва бадиий хусусиятларини ўрганиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихий-киёсий, қиёсий-типологик, бадиий-эстетик, психологик ва бадиий таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

жаҳон адабиётшунослигига шаклланган назарий-эстетик қарашлар асосида қорақалпоқ поэмаларининг адабий ривожланиш қонуниятлари тўлдирилган ҳамда жанрий-поэтик хусусиятлари аниқланган;

давр поэмаларининг миллий манбалари халқ оғзаки ижодиётидаги достон жанри ва мумтоз адабиёт анъаналари, шарқ достончилиги ва жаҳон поэмачилигининг таъсирида пайдо бўлиб, ривожланганлиги илмий жиҳатдан далилланган;

жанрларнинг ўзаро диффузияланиш ҳолатлари давр поэмаларининг кўрилишида лиро-эпик, лиро-драматик, драматик, романтик тасвирлашларнинг шаклланишига ва жанрнинг ғоявий-бадиий ривожланишига асос яратганлиги исботланган;

троплар ва стилистик фигуralарнинг, шунингдек, поэтик фонетиканинг (аллитерация ва ассонансларнинг) давр поэмалари қурилишида тутган ўрни ва бадиий-эстетик хизматлари очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

давр поэмалари табиатида ва ички тузилишида янгиланиш жараёнлари юз берганлиги боис уларнинг мазмунида ҳам ижтимоий турмуш масалаларини шахс тақдири, унинг маънавий дунёси, ички ўй-хаёллари асосида бадиий акс эттириш тенденциясининг етакчилик қилиши ва психологизм жараёнининг фаоллашуви лирик ифодаларни, лиро-эпик, лиро-драматик драматик ва романтик тасвирлаш жараёнларини юзага чиқарганлиги аниқланган;

поэманинг жанрий хусусиятларига оид илмий-назарий тушунчалар мувофиқлаштирилиб, поэмаларда лиро-эпик жанрнинг муҳим белгилари жамланганлиги далилланган;

тадқиқ қилинаётган давр поэмалари тасвирий ифода хусусиятларига мос бир неча гурухларга (эпик, лирик, лиро-эпик, лиро-драматик, драматик, романтик) бўлинадиганлиги илмий жиҳатдан асосланган;

троплар (образли сўз ўйини) ва стилистик фигуralарнинг ҳамда поэтик фонетиканинг (аллитерация ва ассонансларнинг) поэмалардаги шеър

таркиби тузилиши ва сўзларнинг таъсирчанлигини, жонли, жилвадорлигини оширишдаги бадий-эстетик фаоллиги кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган илмий ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг муайян илмий ва бадий манбалардан олинганди, келтирилган назарий қарашлар, умумий хуносалар ва тавсияларнинг амалиётда кенг қўлланилганлиги, олинганд натижаларнинг тегишли муассасалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертациянинг асосий таҳлилий хуносалари ва умумлашмалари қорақалпоқ поэзиясининг, шунингдек, поэмаларининг тарихи ва поэтикасини, жанрий ва бадий хусусиятларини ўрганишда, поэма жанридаги асарларнинг бадий-композицион хусусиятларини илмий таҳлил қилишда назарий таянч манба ва илмий тажриба бўлиб хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, диссертация натижаларидан қорақалпоқ поэмаларига оид дарсликлар ва ўкув қўлланмаларни яратиш ҳамда такомиллаштиришда, поэмаларнинг назарий масалалари бўйича олий ва ўрта маҳсус таълим масканларида маҳсус курс ва семинарларни ташкиллаштиришда фойдаланилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоқ поэмаларининг поэтикаси, жанрий ва бадий хусусиятлари тадқиқи жараёнида олинганд илмий натижалар асосида:

қорақалпоқ адабиётида поэма жанрининг халқ оғзаки ва классик адабиёти анъаналари тасирида пайдо бўлганлиги, миллий адабиётимиз тарихида поэмалар лирик ифода, лиро-эпик, лиро-драматик, драматик, романтик тасвиrlаш усулларининг кучайиши билан жанрий жиҳатдан ривожланганлигига оид илмий хуносалардан ЎзР Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти томонидан 2012-2016 йилларда бажарилган ФА-Ф1-ГОО2 рақамли «Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳасида фойдаланилган. (ЎзР Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2020 йил 14 сентябрьдаги №17.01/94 сон маълумотномаси). Натижада мазкур хуносалар поэма жанрининг назарий тавсиф ва тамойилларини ёритишда ҳамда асар бадииятининг ифодаланиши масалаларини талқин қилиш билан боғлиқ тадқиқотларни амалга оширишга асос бўлган;

давр поэмаларининг бадиийлик хусусиятлари, жанрий ўзига хослиги, уларнинг таълим-тарбиявий аҳамияти, лирик, эпик, лиро-эпик, лиро-драматик тасвиrlарни яратишдаги маҳорат масалалари Қорақалпоғистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси томонидан ташкиллаштирилган ёш ижодкорлар илмий-амалий анжуманларида маъруза шаклида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасининг 2020 йил 3 июльдаги 53 сон маълумотномаси). Натижада ёш талант эгаларига миллий адабиётимиз тарихида поэмаларнинг поэтикаси, жанрий ва бадий хусусиятлари ҳакида умумий тушунчалар берилган;

қорақалпоқ поэмаларида тасвириланган ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ғоя ва менталитетни теран англашга йўналтирувчи аҳамиятга эга илмий-назарий қараашлар Қорақалпоғистон Республикаси Телерадио компаниясининг «Адабиёт ва давр», «Ассалому алейкум Қорақалпоғистон!», «Адабиёт бўстони», «Халқ дурданасидан», «Ёшлил вақти», «Меърос» сингари телекўрсатув ва эшигтиришларида фойдаланилган. (Қорақалпоғистон телерадиокомпаниясининг 2020 йил 9 сентябрьдаги №01-02/173 сон маълумотномаси). Натижада мазкур кўрсатув ва эшигтиришларнинг илмий оммабоплиги таъминланган ҳамда янги манбалар билан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий анжумандан, жумладан, 5 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш нашр этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 9 та республика ва 3 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ҳажми 164 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмida ишнинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилиш даражаси, илмий янгилиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, обьекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Поэма жанрини тадқиқ қилишнинг назарий асослари ва XX аср иккинчи ярми қорақалпоқ поэмаларининг тарихий манбалари**» деб номланган биринчи боби икки фаслдан иборат. Бобнинг ««**Поэма** жанрига боғлиқ умумназарий тушунчалар» деб аталган биринчи фаслида В.Г.Белинский, Л.И.Тимофеев, В.М.Жирмунский, Г.Н.Поспелов, В.П.Киканс, М.Числов, С.А.Коваленко, Н.Р.Мазепа, Е.В.Титова, С.Н.Бройтман, Э.Я.Фесенко, Иззат Султон, Ш.Ҳасанов, Н.Рахимжонов, Д.Х.Кувватова, Ҳ.Умиров, Э.Худойбердиев, А.Насрулаев, Қ.Султанов, Г.Есемуратов, Қ.Жаримбетов, Қ.Оразимбетов ва шу каби ўзбек, рус, қорақалпоқ ва жаҳон адабиётшуносларининг «поэма» ҳақида билдирилган қатор илмий-назарий қараашлари умумлаштирилиб, уларга муносабат билдирилган.

Поэма ҳақида В.Г.Белинский: «эпоснинг алоҳида бир тури мавжуд бўлиб, у ҳаётий насрдан батамом бошқа, воқеликни фақатгина назмий йўлда

идеал мавридларни олиб тасвирлайди, мазмуни ҳам ҳозирги замон инсониятнинг теран дунёқарashi ва маънавий масалаларидан иборат. Эпоснинг бу тури «поэма» номини тўлиқ оқлади¹² – деган фикрларни билдиради. Ушбу талқин бугунги кунда ҳам поэмаларни ўрганишда муҳим илмий-назарий манба сифатида хизмат қилиб келмоқда. Л.И. Тимофеев «поэма шеърий шаклдаги повест ёки шеър кўринишидаги ҳикоя бўлиб, унинг асосида сюжет бўлади»¹³ – деб кўрсатса, В.М. Жирмунский «поэма – назмий йўналишда ҳикоя қилинадиган улкан жанр»¹⁴ – деб ёзади. Поэманинг муайян бир сюжеттга асосланиб, унинг шеърий шаклда яратилганлигини инобатга олган олим Г.Н. Поспелов поэмаларнинг «лиро-эпик жанр»га мансублигини атаб кўрсатади¹⁵. Албатта, юқорида номлари қайд қилинган адабиётшуносларнинг поэма ҳақида билдирган фикр-мулоҳазаларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, шеърий шаклда яратилган барча асарларни поэмалар деб тушуниш ноўрин. Сабаби, айрим илмий тадқиқотларда достонларни ҳам поэма термини билан аташ ҳолатлари учрайди. Масалан, XX асрнинг иккинчи ярмидағи ўзбек достончилиги поэтикасини тадқиқ қилган олим Ш.Ҳасанов: «поэма» атамасини «достон» атамасининг «европага хос эквиваленти» деб кўрсатади¹⁶. Шу маънода, ушбу даврдаги ўзбек достончилигининг тараққиёт ҳусусиятларини махсус тадқиқ қилган Д.Х. Қувватова олим Ш.Ҳасановнинг фикрларини ижобий баҳолаб «XX асрнинг 30-йилларидан 60-70-йилларигача «поэма» термини фаол ишлатилиб, шу даврларда «поэма» ва «достон» терминлари синоним сифатида қўлланилганлигини, баъзи ўринларда ҳалқ достонларини ҳам «поэма» деб аташ ҳолатлари кузатилганлигини эътироф қилган¹⁷.

Дарҳақиқат, қорақалпоқ достонларини поэма термини билан аташ мумкин эмас. Бу ҳақида XX асрнинг дастлабки чорагидан 1950-йилларгача қорақалпоқ поэмаларини тадқиқ қилган олим А. Насруллаевнинг «қорақалпоқ достонларининг поэма деб аталиши тўғримас»¹⁸ – деган фикрлари асосли.

Поэма жанри адабиётнинг қайси турига мансублиги ҳақида адабиётшуносликда ҳозиргача маълум бир тўхтамга келинмаган. Шу боис, дунё адабиётшунослигида поэмалар жанрий тафовутлари билан қарама-қарши масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Лекин, поэмаларнинг ички тузилишида адабий турнинг қай бирининг белги ҳусусиятлари устун эканлигига қараб, уларнинг жанрий ўзига хослигини ажратиб олишимиз

¹² Белинский В.Г. Полное собрание сочинений. Том VI. – Москва: Изд. Ак. Наук, 1955. – С.415.

¹³ Тимофеев Л.И. Основы теории литературы. – Москва: Просвещение, 1971. – С.382.

¹⁴ Жирмунский В.М. Введение в литературоведение.–Санкт-Петербург: Изд. С-Петербургского Унив, 1966. – С.378.

¹⁵ Поспелов Г.Н. Лирика среди литературных родов. – Москва: Изд. МГУ, 1976. – С.192.

¹⁶ Ҳасанов Ш. XX аср иккинчи ярми ўзбек достонлари поэтикаси. Филол. фан. докт. дисс... – Тошкент, 2004. – Б.68.

¹⁷ Қувватова Д.Х. XX аср иккинчи ярми ўзбек достончилигининг тараққиёт ҳусусиятлари. Докт. дисс. Автореф. – Тошкент, 2016. – Б.14.

¹⁸ Насруллаев Э. Заман ҳэм лироэпикалық поэзия. – Нөкис: Қарақалпақстан. – 1965. – Б.15.

мумкин. Яъни, «поэма синтетик жанр сифатида лирикага ҳам, эпосга ҳам, драмага ҳам муқобил»¹⁹ бўлиб келади.

Адабиётшунослиқда «поэма» билан боғлиқ илмий тадқиқотларнинг кўпчилигида деярли: инсон ҳаётида дуч келадиган ҳар хил воқеа-ҳодисалар, халқ бошидан кечирган турмуш ҳақиқати ва уларнинг юксак инсонпарварлик фазилатлари лириканинг ички планида бадиий акс эттирилганлиги асосий мезон этиб олинганлиги белгилаб берилади. Поэмалар тузилишида берилган эпик сюжетни ёки воқеликни поэтик шаклда тасвирлаш, ўз-ўзидан поэманинг лиро-эпик жанрининг муҳим белгиларини ўзида мужассам қила олганини кўрсатади. Поэмалар жанр хусусиятлари жиҳатидан: лирик, эпик, лиро-эпик, драматик; мазмунига кўра: тарихий, биографик, ижтимоий-хаётий, сатирик, психологик, фалсафий-мантикий каби турларга бўлинади. Албатта, шу каби гурухларга бўлиб ўрганиш, поэмаларда воқеа-ҳодисаларни қайси жанрга хос равишда тасвирлашнинг устунлик даражаси юқори эканлигига ёки тенг мўтадиллик касб этишига боғлиқ келиб чиқкан. Бу ҳақда адабиётшунос олимлар В.П.Киканс, С.А.Коваленко, Н.Рахимжонов, Қ.Жаримбетовларнинг тадқиқотларида долзарб аҳамиятга эга фикрлар билдирилган²⁰. Шунингдек, бошқа халқларда поэманинг поэма-баллада, поэма-очерк, поэма-новелла, поэма-эртак, ҳужжатли поэма ва бошқа шакллари ҳам учрайди. Демак, поэмалар бир неча жанрий шаклларни ўзида мужассам қилишга мойил қўш ва синкетик асар эканлиги билан аҳамиятли.

Ушбу бобнинг иккинчи фасли **«Қорақалпоқ поэмаларининг тарихий манбалари ва ривожланиш йулидаги бадиий изланишлар»** деб номланган. Бадиий адабиётда янги жанрларнинг юзага келиши ва шаклланиши, ички ва ташки таъсир натижасида пайдо бўладиган ҳодиса ҳисобланади. XX аср қорақалпоқ адабиётида насрнинг очерк, ҳикоя, повест, роман каби янги жанр турлари қатори поэма жанри ҳам ўтган XX асрнинг 1930-йилларида пайдо бўлиб, шаклланиш босқичларини бошдан кечирди. Лекин, поэма жанрининг келиб чиқиши тарихи халқ эпосларига бориб тақалиши олимлар томонидан фанда далилланган.

Қорақалпоқ адабиёти тарихи бўйича илк тадқиқот олиб борган олим Н.Давқараев қорақалпоқ эпослари этимологияси, мазмуни, тузилиши, ундаги ижтимоий масалаларнинг, қаҳрамонлар ҳаётининг акс эттирилишига кўра: 1. Қаҳрамонлик жирлар. 2. «Достонлар», деб икки гурухга ажратади ва «Қўблан», «Алпомиш», «Қирққиз» каби қорақалпоқ халқ достонларини «қаҳрамонлик жир (куй)га кирадиган» поэмалар сифатида талқин қиласи²¹.

Фольклор атамалар луғатини тузувчи профессор С.Ахметов ва С.Баҳадировалар ҳам халқ эпосларини поэма термини билан атайди²². Қорақалпоқ адабиётшунослиқида кенг эпик сюжетга қурилган халқ эпослари

¹⁹Числов М. Время зрелости – пора поэмы: Состояние и проблемы жанра поэмы. Тенденции современной поэзии, год 2-е, доп. – Москва: Советский писатель, 1986. – С.51.

²⁰Киканс В.П. Современная советская поэма. – Рига: Зинатне, 1982; Коваленко С. Художественный мир советской поэмы. – Москва: Наука, 1989; Рахимжонов Н. Ўзбек совет адабиётида поэма. – Тошкент: Фан, 1986; Жәримбетов Қ. Әжинияздың лирикалық поэмасы // ӨЗРИАҚҚБ Хабаршысы. – Нөкис: 1998, №7.

²¹Дэўқараев Н. Шығармаларының толық жыйнағы. 2-том. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977. – Б.185-213.

²²Ахметов С., Баҳадырова С. Фольклорлық терминлердиң қысқаша сөзлиги. – Нөкис: Билим, 1992. – Б.74.

ва мумтоз шоирларнинг асарлари гоҳ поэма, гоҳ достон, гоҳ тўлғов термини билан аталганлигини кузатамиз²³.

Ўзбек адабиётида эпик шеъриятнинг ривожланиш тарихини тадқиқ қилган олим Б.Валихўжаев «эпик поэзия даврлар оша шакли ва мавзу доираси ўзгаришга учраб, янгиланиб борди ва ўзбек мумтоз шеъриятида дастлабки поэтик жанрлардан бири бўлди»²⁴ – деб ёzádi. Демакки, XX асрнинг биринчи чорагида қорақалпоқ адабиётида янги жанр сифатида пайдо бўлган «поэма» манбалари, ўтмиш халқ эпослари билан XIX асрдаги қорақалпоқ мумтоз шоирларининг «достон»ларига бориб тақалади.

Диссертацияда XX аср қорақалпоқ поэмаларининг ilk манбалари, XIX асрнинг охири XX асрнинг бошидаги халқ шоирларининг сюжетли (эпик) шеърлари билан бошланган ва ушбу эпик поэзия негизида 1930-йиллар қорақалпоқ адабиётида дастлабки эпик поэмалар пайдо бўлганлиги, иккинчи жаҳон уруши даврида поэманинг поэма-очерк, поэма-новелла, ҳужжатли ва эртак-поэма каби турларининг шаклланиши, 1950-60-йилларга келиб қорақалпоқ поэмалари тузилишида лиризм теранлашиб, уларнинг жанр таркибида янгиланиш жараёнлари юз берганлиги, мазкур жанр асарларини маҳсус тадқиқ қилган А.Насруллаев ва Қ.Султановларнинг тадқиқотларига асосланиб қайд қилинди. Биз тадқиқ килаётган давр поэмаларининг муаллифлари И.Юсупов, Т.Сейтжанов, Б.Қайипназаров, Д.Айтмуратов, М.Сейтниязов, Т.Матмуратов, Т.Сарсенбаев, К.Каримов, Ҳ.Айимбетовлар - А.Навои, Ҳофиз, Саадий, Ш.Руставели, Э.Роттердамский, С.Есенин, В.Шекспир, Гёте, Шиллер, Гейне, Адам Мицкевич, А.Блок, А.С.Пушкин, В.Маяковский, М.Ю.Лермонтов, М.Горький, М.Рыльский, О.Шестинский, Л.Бать, А.Т.Твардовский, Н.А.Некрасов, Нозим Ҳикмет, Р.Ғамзатов, М.Ф.Ахундов, Абай, Муқими, Ғ.Тоқай, Ҳ.Олимжон, М.Шайхзода, Миртемир, С.Сейфуллин, С.Муханов, Қ.Аманжолов, А.Суюн, Н.Жарқинбаев в.б. жаҳон ва шарқ классикларининг назм ва насрый асарларини қорақалпоқ тилига таржима қилган. Натижада, қорақалпоқ поэмаларида лиризмнинг чуқурлашувига исми қайд этилган жаҳон классиклари асарларидаги воқеаларни лирик асосда ифодалаган поэмалари ижобий таъсири қилиб, XX асрнинг 1960-1980-йилларида шоирлар фақатгина эпик ва лирик поэмалар ижод қилиш билан чекланиб қолмасдан, лиро-эпик, лиро-драматик, драматик, романтик ва фалсафий-мантиқий тасвирларга бой поэмалар яратиб, бу жанрга оид асарлар мавзу ва ғоя, жанр ва услугуб нуқтаи назаридан бойитиб борилганлиги илмий асослаб берилди.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «XX аср иккинчи ярми қорақалпоқ поэмаларида тасвирлаш турлари ва уларнинг ривожланиш динамикаси» деб номланиб, у уч фаслни ўз ичига олади.

²³Пахратдинов Э. Бердақ шайырдың дәстанлық шығармалары. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1987. – Б.140-247; Пирназаров А. Жийен ҳэм Омар шайырлардың дөретиўшилик шеберликлери. – Нөкис: Билим, 1993.–Б.8-9; Сагытов И.Т. Қарақалпақ әдебиятының осиў жоллары. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1979. – Б.61.

²⁴Валиходжаев Б. Из истории развития эпической поэзии в узбекской литературе. Автореф. дисс... докт. филол. наук. – Самарканд, 1968. – С.59-60.

Бобнинг «Қорақалпоқ поэмаларида эпик тасвирилаш» деб номланган биринчи фаслида меҳнатни, муҳаббатни куйлаш, дўстликни улуғлаш, тинчлик ва тотувликни мадҳ этиш, урушни қоралаш, айниқса, халқимиз ҳётида муҳим аҳамият касб этувчи қишлоқ хўжалиги соҳасида тинимсиз меҳнат қилаётган меҳнаткашлар образини яратиш асосий бош мавзуга айлангани давр поэмалари мисолида тадқиқ қилинган. Масалан, қорақалпоқ халқ шоири С.Нуримбетовнинг ипакчилик мавзусида ёзилган «Ипакчи Жанил» поэмасида ипакчи қиз Жанилнинг меҳнат майдонидаги фаоллиги шундай тасвириланади:

*Асыгады қулпарені шығады,
Бир тынбайды исин баржай қылады.
Талапланып жаңа ғана жсан енген,
Наўқан қуртқа шертек усти ығады²⁵.*

К.Рахмановнинг «Чўл достони» поэмасининг мазмун сюjetida инсониятнинг табиатга, табиатнинг инсониятга бўлган муносабатининг романтик тасвири шоир томонидан қуидагича бадиий ифодаланган:

*Мен шөлмен неше әсир даўыллар,
Уйтқып көмип тәғэдир менен гүрестим,
Бир еситсем дедим, тыңласам дедим,
Сыңғырласып аққан суўлардың сестин.
Мен шөлмен, Адамга баўырым жазық,
Кең көкирек жсанлар турқымды өлишер,
Атам заманлардан жатқан қулазып,
Мен шөлмен, мен-шөлмен, мен-шөлмен,
Мен шөл²⁶.*

Шунингдек, С.Нуримбетовнинг «Ипакчи Жанил», К.Рахмановнинг «Чўл достони», М.Сейтниязовнинг «Хаёжонли уйлар» поэмаларида воқеликни эпик бўёқлар билан акс эттириб, лирик қаҳрамоннинг ҳатти-ҳаракати билан образли бадиий тасвирилашда лирик, психологик, романтик ифодалашга интилишлари, давр поэмаларининг жанрий, услубий жиҳатдан синкретик йўналишда ривожланиб боргани ижобий баҳоланган.

Диссертациянинг баъзи ўринларида Ж.Дилмуратовнинг «Учрашув» (1959), «Гуллар очилганда» (1970-1978), Т.Сейтжановнинг «Чекинган сахро» (1960), Б.Қайипназаровнинг «Жуфт қолдирғоч» (1961-1965), Қ.Жуманиязовнинг «Ихлос» (1959-1960) поэмалари сюjetida воқеа-ҳодисалар қуруқ ва ҳиссиз ҳикоя қилиниши, схематизмга йўл қўйилганлиги давр поэмаларининг камчилиги сифатида кўрсатиб ўтилган.

²⁵ Нуримбетов С. Шығармаларының толық жыйнағы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1972. – Б.157.

²⁶ Рахманов К. Өмір сен уллысаң. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1981. – Б.26.

Бобнинг «Қорақалпоқ поэмаларида лирик сифатлар» деб номланган иккинчи фаслида ўтган асрнинг 1970-йилларига келиб, И.Юсупов, К.Рахманов, Т.Матмуратов, Т.Сейтжанов, М.Сейтниязов, К.Каримов ва Ҳ.Айимбетовларнинг поэмаларида воқеа ва жараёнларни объектив ҳикоя қилишга эмас, кўпроқ инсон тақдири ва унинг ички кечинмаларини бадиий ифодалашга улкан аҳамият берилгани алоҳида таъкидланади. Яъни, давр поэмалари таркибида лирик «мен»нинг етакчилик қилиши, қаҳрамонларнинг ўзаро диалоглари, монологлари, туш кўриши, бири-бирига ёзган мактублари муҳим ўрин эгаллади. Албатта, бундай тасвир усууларининг давр поэмалари қаҳрамонларининг образи ва характерини яратишида ва лиризмни кучайтиришида бадиий истефода қилинганлиги илмий жиҳатдан мисоллар асосида ёритиб берилди.

Масалан, шоир Д.Айтмуратовнинг «Уруш оқибати» (1964-1965) поэмаси сюжетида иккинчи жаҳон уруши мавзуси, бу урушнинг инсониятга олиб келган азоб-укубатлари кичик боланинг ички ўй-хаёллари орқали поэтик кўринишида шундай очиб берилади:

... *Мен өзимди-өзим сезбеппен,
Экем келди уйге айналып.
Ўақ, әкесин тек зорга танып,
«Сол гой! Сол гой!» деп турлып,
Соллығына шала инанып,
Кушақлаудай қымбатлы нэрсең,
Сөзсиз, сөзсиз жоқ екен дерсең!*²⁷

Шоир Т.Матмуратовнинг «Содиқлиқ» (1970) поэмасининг ғоявий мазмунида ҳам иккинчи жаҳон урушининг, одамзод ҳаётининг оғир фожияси Гулзийба тимсоли орқали очиб берилади. Поэмада унинг урушда қаҳрамонларча ҳалок бўлган, ишонган тоғи Қунназарни келади деб кўп йиллар унга содиқ ва вафодор ҳаёт кечиргани, лирик қаҳрамоннинг ички кечинмалари орқали бадиий ифодаланган:

«*Ырастан-ақ сум әжелден,
Туўры хабар келгени ме?
Ярымнан қалай безермен,
Исенбеймен өлгенине.*
... *Өлди дейин десем тагы,
«Келемен» деп айтқаны бар.
Улken үмит, улken мәни –
Жазылған көп хатлары бар...»*²⁸

²⁷ Айтмуратов Д. Урыс ақыбети. // Әмиўдәръя. – Нөкис, 1965, №5. – Б.64.

²⁸ Мәтмуратов Т. Ашылсызы (Қосықлар ҳәм поэмалар). – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977. – Б.124-125.

Кўринадики, поэма қаҳрамонларининг ички ҳис туйғу ва кечинмалари рўёби монолог тарзида бадиийлаштирилиб, Кунназарнинг Гулзийбага ёзган мактублари ва шоирнинг ўз қаҳрамонлари тақдирига бефарқ эмаслиги, бевосита улар билан ёнма-ён воқеликни ўз бошидан ўтказиши ва ҳис қилиши қорақалпоқ поэмачилигининг жанр табиатида кечётган янги сифат ўзгаришлари даражасида баҳоланди. Рус олими Л.Долгополов «лирик поэмаларга сюжет линияларининг мувофиқлиги, аллегория, қалб исёни ва лирик монологлар характерли эканлиги асос бўлади»²⁹ деб таъкидлаган бўлса, 1970-1980-йиллар яратилган Т.Сейтжановнинг «Адашган иқбол» (1977), М.Сейтниязовнинг «Ватан гадоси» (1972-1974), F.Сейтназаровнинг «Сахро созлари» (1976), «Темир қозик» (1978), X.Айимбетовнинг «Қиз» (1974), К.Каримовнинг «Мангулик бўсағасида» (1980) поэмалари тузилишида бальзан шоир «мен»и, бальзида лирик қаҳрамоннинг «мен»и узлуксиз бўй кўрсатиб, шахс ва унинг маънавий дунёсини, хат, туш, диалог ва монологлар орқали бадиий ифодалаши «лирик шахснинг руҳий оламини очишга»³⁰ йўналтирилганлигини кўрсатади.

Бобнинг учинчи фасли «Қорақалпоқ поэмаларида бадиий тасвирилашлар синтези» деб номланган бўлиб, у ўз ичига бир нечта фаслни қамраб олган. А) «Лиро-эпик тасвирилаш» деб номланган фаслида Т.Сейтжановнинг «Отам ҳақида сўз» (1976), М.Сейтниязовнинг «Йигирма икки» (1965), F.Сейтназаровнинг «Сирлашиш» (1977), Т.Сарсенбаевнинг «Қиз» (1-поэма) (1976-1980), «Қиз» (2-поэма) (1977) поэмалари тасвирий хусусиятларига кўра лиро-эпик поэмалар сифатида таҳлил этилган.

Лиро-эпик поэмаларда воқеалар асосан эпик турда акс эттирилади. Яъни, унда ҳодиса ва жараёнлар эпик кўринишга эга бўлади. Лиро-эпик поэмаларнинг шундай ўзига хос хусусиятларига диққатини жалб қилган олим В.П.Киканс «дунёнинг эпик манзаралари сувратисиз поэма ўз-ўзининг борлигини оқламайди»³¹, – деб ёзади. Шу маънода, лиро-эпик поэмаларда акс эттирилаётган воқеа-ҳодисаларга муаллифнинг шахсий муносабати, дунёқараши алоҳида сезилиб туриши тайин. Кейинчалик, ўзбек адабиётида поэма жанрини маҳсус тадқиқ қилган олим Н.Рахимжонов «лиро-эпик поэмада объект билан бирга шоирнинг ушбу объектга муносабати параллел берилади»³², – деганлари да ҳақдирлар. Боиси, «объект» эпик воқеалар бўлса, «шоирнинг мазкур объектга ўз нуқтаи назари билан ўзаро яқдиллиги» лирик хусусиятлар саналади. Демак, лиро-эпик поэмада «лирика билан эпика диалектик бирликка эга бўлади»³³ ва уларда «ҳаёт ҳақиқати билан воқеалар

²⁹Долгополов Л. Поэмы Блока и русская поэма конца XIX начала XX века. – Москва-Ленинград: Наука, 1964. – С.139.

³⁰Ҳасанов Ш. XX аср иккинчи ярми ўзбек достонлари поэтикаси. Филол. фан. д-ри дисс...–Тошкент, 2004.–Б.218.

³¹Киканс В.П. Современная советская поэма. – Рига: Зинатне, 1982. – С.133.

³²Рахимжонов Н. Лирик поэма.(1961-1973 йй. Ўзб. поэзияси материал. асос.) Фан. номз. дисс. – Тошкент, 1975.–Б.14.

³³Жаков А. Современная советская поэма. – Минск, 1981. – С.9.

лирик қаҳрамоннинг маънавий кечинмалари ва ўй-хаёлларининг тез-тез алмасиб туриш фонида очилади»³⁴.

Масалан, Ф.Сейтназаровнинг «Сирлашиш» (1971) поэмасининг ғоявий мазмуни – XX асрнинг 1930-йиллари янги жамият қуришга, саводсизликка барҳам беришга фаол қатнашган Жамалнинг айни кучга тўлган пайтида қонли қатағон йиллар қурбони бўлғанлиги лирик қаҳрамоннинг ички кечинмалари орқали шундай тасвиранади:

*...Экем де ҳеши айыплы емес,
Мәниси оның бөлек шыгар.
Сол дәўирдиң епкинине,
Сондай қурбан керек шыгар.*

*Не де болса таўсылмады,
Тик боп кетти, буқпай кетти
Әдилликке туўра қарап,
Жигерин ҳеши жықпай кетти³⁵.*

Айниқса, поэманинг лирик ва эпик хусусиятларини лирик қаҳрамоннинг диалог ё монологи акс этган ўринларда англашимиз мумкин. Поэманинг муҳим жиҳати шундаки, муаллиф инсоннинг бошига тушган неки ғам-хасрати, андуҳини тасвираш орқали шу даврнинг руҳини, нафасини, аҳли аённинг дарду-ташвишини лиро-эпик талқинда ихчам ва таъсири очиб бера олган.

Диссертацияда Т.Сейтжановнинг «Отам ҳақида сўз» (1976), М.Сейтниязовнинг «Йигирма икки» (1965), Т.Сарсенбаевнинг «Қиз» (1977) поэмаларида ҳам шахс ҳаётига боғлиқ ижтимоий турмуш ҳодисаларининг лиро-эпик йўналишда бадиий ифодалангани аниқ мисоллар билан таҳлил қилинган. Ўтган асрнинг 1960-йилларига келиб, қорақалпоқ поэмаларида воқеалар, 1930-1950-йиллардагидек соф эпик усулда ёритилмасдан, шоир «мен»и етакчилик қилғанлиги, қаҳрамоннинг ички кечинмаларида содир бўлаётган диалог ва монологлар ёрдамида лирик акс эттириш шакллана бошлагани ва бундай тасвир усули келажакда лиро-драматик, драматик, романтик тасвираш шаклларининг пайдо бўлишига кенг йўл очиб берганлиги илмий жиҳатдан асослаб берилди.

Бобнинг б) «Лиро-драматик тасвираш» деб аталган фаслида 1960-1970-йилларда яратилган қорақалпоқ поэмалари тузилишида диалог ва монологларнинг лирик ва драматик тасвиirlарни юзага чиқаришга ижобий таъсири ўтказа олганлиги И.Юсуповнинг «Актрисанинг иқболи» (1956-1958) ва Т.Сейтжановнинг «Тақдир» (1974) лиро-драматик поэмалари мисолида тадқиқ қилинди.

³⁴Дабылов П.А. Каракалпақ поэзиясында лирикалық қаҳарман образының жасалыў өзгешениклири (Т.Мэтмуратов ҳәм К.Рахмановтың поэзиясы мысалында). Философ. докт. (PhD) дисс. – Нөкис, 2017. – Б.87.

³⁵ Сейтназаров.Ф. Сырласыў. – Нөкис: Каракалпақстан, 1977. – Б.149-150.

И.Юсуповнинг «Актрисанинг иқболи» поэмасининг бош қаҳрамони Аруханнинг театр саҳнасига келганигача ва келганидан кейинги ҳётини, жамиятда тадрижий ривожланиш жараёнларини узлуксиз акс эттиришда диалог ва монологлар бадиий ифода қуролига айланган.

Айниқса, поэманинг эпик хусусиятларини тавсифловчи адолатсиз замон ҳамда шу даврда яшаган Аруханнинг азоб-уқубатларга тўла турмуши билан боғлиқ ҳаёт ҳақиқати, одиллик учун кураш, ижтимоий конфликтлар – қаҳрамон ҳатти-харакатлари, уларнинг ўзаро муносабати (диалог ва монологлар) орқали асар бадиий-эстетик савиясининг янада юксалишини таъминлашга хизмат қиласди. Бундай ифода усуллари поэманинг жанр табиатида лирик ва эпик хусусиятларнинг бир бутунликка эга бўлиб, драматик элементларга сингдирилганлигини кўрсатади. Поэмани профессор С.Ахметов шундай таъкидлайди: «...поэмада ифодалаш билан тасвирлаш, лирик ҳис-туйғу ва руҳий кечинмалар, қайғу ва қувонч эпосга хос қўлам ва лиризмнинг илиқ таъсири шунчалик органик тусда бириккан, ҳаттоти, уларни бир-биридан ажратиш қийин...»³⁶. Ушбу фикрга қўшимча тарзда айтишимиз жоизки, поэма қаҳрамонларининг бошидан кечирган турмуш воқеликлари асарнинг бошдан-оёқ диалогли ва монологли усулда тасвирланиши бу поэманинг лиро-драматик шаклда яратилганидан дарак беради деб айтиш мумкин.

Т.Сейтжановнинг «Тақдир» лиро-драматик поэмасида ҳам иккинчи жаҳон уруши қатнашувчиси, юртдошимиз Ўринбай Абдуллаевнинг тақдирига хос реал ҳаёт ҳақиқати қаҳрамон диалог ва монологлари орқали очиб берилганлиги мисоллар асосида кўрсатиб ўтилди. Бу иккала поэмада ҳам шахс тақдирига боғлиқ ҳаёт ҳақиқати диалог ва монологлар ёрдамида лирик йўсинда акс эттирилганлиги мисоллар орқали исботланган.

